



«Аллоҳ таолонинг айтдики: «Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: Адолатли имом-раҳбар; Роббининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Етти киши борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: Адолатли имом-раҳбар; Роббининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмаган киши; Аллоҳни холий зикр қилиб, кўзёши тўккан киши» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Қиёмат куни одамларга қаттиқ қийинчилик ва машаққат етади, қуёш бир мил миқдорида яқинлашади, шунда улар ғоят бетоқат бўлиб, қийналиб кетишади. Мана шундай ҳолатда айрим кишилар Раҳмон таолонинг арши соясида роҳат ва омонликда турадилар. Мазкур етти тоифа кишилар ҳам ўшалар жумласидан, уларни Аллоҳдан кўрқиш ва амални Аллоҳга холис қилиш сифати жамлайди. Расулуллоҳ



соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг амалларини бизга тарғиб қилиш ва ундаш мақсадида зикр қилдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мазкур етти тоифа аҳлининг фазли;
2. Улар қиёмат куни Аллоҳ таолонинг арши соясида бўладиган кишилар жумласидан эканлари.